



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 12 июль, № 137 (4547)

Шанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 22 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 422-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 78-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрири тасдиқлансин (илова қилинади).


2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 11 июль
№ УРҚ — 162

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қўшма қарор қабул қилган эди.




Ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ушбу қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқиш, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-

ларини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этди.


Конференцияни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш бўйича жамоат фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).



Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Қизилқум тебравчи барханлар билан жозибали. Унинг қўз илғамас кенгликларидан олтин, уран, кумуш, кварц, фосфорит, мрамар сингари Менделеев даврий jadвалидаги ноёб элементлар тизими мавжуд. Шу боис бу ерда йигирмадан зиёд улкан sanoat корхоналари ишлаб турибди. Мустақилликнинг дастлабки йилида Қизилқум индустриясининг ривожлантиришининг аниқ мақсадлари белгиланди.



«Албатта, бундай бойликни ҳар кимга ҳам бермайди. Шунинг учун ҳам Навоий воҳасини Ўзбекистоннинг олтин сандиги, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаемиз. — деб таъриф берганди давлатимиз раҳбари 2007 йил 28 ноябрда Навоий вилояти сайловчилари билан бўлган учрашувда. — Лекин бир нарса одамни хайратга соладики, шундай катта салоҳиятга эга бўлган бу вилоят

бир пайтлар, яъни совет даврининг сўнгги йилларида вилоят сифатида тугатилганини кўпчилик ҳали-бери эслайди. Собик марказнинг ана шундай калтабин сиёсати қандай салбий оқибатларга олиб келгани, вилоят аҳлининг ҳаётига, кайфиятига қандай ноҳус таъсир қўрганлиги ҳақида кўп гапириш мумкин. Минг шўқрлар бўлсинки, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ

биз бундай аҳмоқона ишларга чек қўйиб, Навоийни вилоят сифатида қайта тикладик. Бу ишда менинг ҳам ҳиссам борлигидан албатта фахрланаман...»

(Давоми 2-бетда).

Германияда «Ёшлар йили» тақдимоти

Германиянинг Куйи Саксония федерал ўлкада жойлашган Ведемарк шаҳрида мамлакатимиз Президенти томонидан эълон қилинган «Ёшлар йили»га бағишланган тақдимот бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ведемарк шаҳри маъмурияти, Германиянинг «ЛОГО» жамияти томонидан Ўзбекистоннинг ФРДаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тақдимотда Куйи Саксония парламенти депутатлари, Ведемарк шаҳар маъмурияти, «ЛОГО» жамияти, кенг жамоатчилик ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, «ЛОГО» семинарларида иштирок этган ҳамда Куйи Саксониянинг олий ўқув муассасаларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик ва германиялик ёшлар иштирок этди. «ЛОГО» жамиятига 1995

йили асос солинган. Унинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг экологик услубларини ҳамда Марказий ва Шарқий Европада ўсимликларни ҳимоя қилишнинг табиий воситаларини ривожлантириш ҳамда тарқатишга қаратилган. Жамият қишлоқ хўжалиги тармоғи ёш мутахассисларининг малакасини ошириш ва ўқитишга кўмак қўриши мумкин.

садида Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистон ўқув муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жорий йилда «ЛОГО» семинарларида Ўзбекистоннинг турли минтақалари олий ўқув yurtларида таҳсил олаётган 40 нафардан зиёд ёш мутахассис иштирок этмоқда. «ЛОГО» раиси Хартвиг

Меннен тадбирни очар экан, Ўзбекистон ёшлари ҳақида ўз таассуротлари билан ўртоқлашди. Унинг фикрига кўра, юртимиз вакиллари ўзининг аниқ мақсад сари интилувчанлиги ва тиришқоқлиги билан семинарнинг бошқа иштирокчиларидан алоҳида ажралиб туради. «Куйи Саксония — тоза биологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш механизми кенг жорий этилган, шунингдек, муқобил энергия манбаларидан фол фойдаланиб келинаётган Германиянинг ривожланган ўлкаларидан бири

ҳисобланади, — дейди мазкур федерал ўлка парламенти депутаты, Ведемарк шаҳри маъмурияти раҳбарининг ўринбосари Эдита Лорберг хоним. — Мен Ўзбекистон халқ хўжалигида аграр тармоқнинг нечоғли муҳим аҳамият касб этишини яхши биламан. Германияда малака ошираётган ўзбекистонлик ёшлар ўз юртида мазкур соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшишига ишонаман. Шу маънода Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида бой тажрибага эга эканини таъкидлашни истар эдим. Бугун биз «Ёшлар йили»га бағишланган аjoyиб ва бетак-

рор кечанинг гувоҳи бўлдик. Мен анчадан буюн Ўзбекистонга сафар қилишни оруз қилиб келаман. Умид қиламанки, яқин келажақда сизнинг гўзал ва мафтункор юртингизни бевоҳита томоша қилишга муяссар бўламан.

— Бизнинг Ўзбекистон олий ўқув yurtлари билан ҳамкорлигимиз 2000 йили бошланган эди, — дея қайд этди «ЛОГО» жамияти раиси Х. Меннен. — Илк ҳамкоримиз Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти бўлди. Кейинчалик Тошкент давлат аграр университет, Тошкент мелиорация ва ирригация институти, Андижон қишлоқ хўжалиги

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиги

Ногиронларни дори-дармонлар билан таъминлаш, уларга техник ёки бошқа воситалар бериш, шунингдек маиший хизматлар ва транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартлар асосида амалга оширилади.

7-боб. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари

32-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари тушунчаси
Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ногиронлар томонидан ташкил этилган ташкилотлар ногиронларнинг жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

33-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш
Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

34-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш
Ташкилотлар ва фуқаролар ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин.

8-боб. Яқунловчи қондалар

35-модда. Низоларни ҳал этиш
Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

36-модда. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик
Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

16

Қирқиш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида (янги тахрири)

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил

Бўқлаш чизиги

Қирқиш чизиги

шаҳар атрофида қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонунда назарда тутилган талабларни бажармағанилик учун ташкилотларга энг кам иш ҳақининг етмиш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жарима солиш суд томонидан, ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқror бўлган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган тартибда амалга оширилади.

Тўланган жарима суммалари Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жағмагармасига йўналтирилади ҳамда улардан ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган объектларни мослаштиришга доир тадбирларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жаримани тўлаганлик ташкилотларини ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўқинликсиз кириши, транспортдан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонун талабларини бажаришдан озод этмайди.

3-боб. Ногиронларни реабилитация қилиш

12-модда. Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади
Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўйга чиқариш имконини берувчи ижтимоий макomini, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир.

13-модда. Ногиронларни реабилитация қилиш турлари
Ногиронларни реабилитация қилиш қуйидагиларни ўз ичига олувчи чора-тадбирларнинг яхлит тизимидир:
ногиронларни тиббий реабилитация қилиш, бу тиклаш те-рапияси, реконструктив жарроҳлик, протезлаш ва ортезлашдан иборат бўлади;
ногиронларни касбий реабилитация қилиш, бу касбга йўналтириш, касб таълими бериш, касб-хўнара-ишлаб чиқариш мос-

Бўқлаш чизиги

Қирқиш чизиги

лашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлади; ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, бу ижтимоий-муҳитда йўлини топа олиш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади.

14-модда. Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури
Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган, ногирон учун энг мақбул реабилитация қилиш чора-тадбирлари комплекси бўлиб, у организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий реабилитация қилиш чора-тадбирларини ҳамда реабилитация қилишнинг бошқа чора-тадбирларини рўйга чиқаришнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ташкилотлар бажариши учун мажбурийдир.

Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ва ҳажмини, шунингдек дастурнинг амалга оширилишини бутунлай рад этиши мумкин. Ногирон ўзини муайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш тури, шу жумладан автомобиллар, ўриқдиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус харфли матбаа нашрлари, овоз кўчатирич аппаратлар, сигналлашувчи, субтитрли ёки сурдо таржимаси бўлган видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир.

Ногиронларга реабилитация қилишнинг техника воситаларини тақдим этиш ва реабилитация хизматлари кўрсатиш, қоида тарихида, натура шаклида амалга оширилади.

Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини тақдим этишнинг ёхуд хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногирон учун тақдим этилиши лозим бўлган техника воситасининг ёхуд кўрсатилиши лозим бўлган хизматнинг қиймати миқдоридан компенсация тўланади.

8

Қирқиш чизиги

лашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлади; ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, бу ижтимоий-муҳитда йўлини топа олиш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади.

14-модда. Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури
Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган, ногирон учун энг мақбул реабилитация қилиш чора-тадбирлари комплекси бўлиб, у организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий реабилитация қилиш чора-тадбирларини ҳамда реабилитация қилишнинг бошқа чора-тадбирларини рўйга чиқаришнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ташкилотлар бажариши учун мажбурийдир.

Ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ва ҳажмини, шунингдек дастурнинг амалга оширилишини бутунлай рад этиши мумкин. Ногирон ўзини муайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш тури, шу жумладан автомобиллар, ўриқдиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус харфли матбаа нашрлари, овоз кўчатирич аппаратлар, сигналлашувчи, субтитрли ёки сурдо таржимаси бўлган видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир.

Ногиронларга реабилитация қилишнинг техника воситаларини тақдим этиш ва реабилитация хизматлари кўрсатиш, қоида тарихида, натура шаклида амалга оширилади.

Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини тақдим этишнинг ёхуд хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногирон учун тақдим этилиши лозим бўлган техника воситасининг ёхуд кўрсатилиши лозим бўлган хизматнинг қиймати миқдоридан компенсация тўланади.

9

АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг маблагларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси А.Шодмонов бошқарди.

Тадбирда «Нодавлат но-тижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қўшма қарор мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли, тизимли, изчил ишларни амалга оширишда катта аҳамиятга эга бўлиши таъкидланди. ННТ фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини белгилаш, бу маблағларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш мониторингини билан боғлиқ масалаларнинг ижро этувчи ҳокимият

органлари тасарруфидан мамлакат қонун чикарувчи олий органи — Олий Мажлис тасарруфига берилиши мамлакатимизда энг юксак демократик қадриятлар ва тамойилларнинг амалдаги яна бир намоёни бўлди.

Тадбирда ННТ томонидан тақлиф этилган ва ҳудудларнинг аниқ ижтимоий-сиёсий масалаларини ҳал этишга, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган, аввало, ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қароридан белгиланган вазифаларни амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

(ЎЗА).

Маълумотларга кўра, айрим мамлакатларда энтеровирусли инфекция тарқалиши қайд этилган. Баъзи давлатларда куйдирги касаллигининг жониворлардан одамларга ўтганлиги аниқланган. Ушбу вазият юртимизга бундай вирусли касалликлар кириб келишининг олдини олиш борасидаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этаётир.

ЗАРУР ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА

Бу борада тегишли вазирлик ва идоралар, жумладан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Шифокорларимиз рейсга чиқадиган экипаж аъзолари ҳамда бортузатувчиларга инсон саломатлиги учун хавфли бўлган юқумли касалликлар ва уларнинг аломатлари юзасидан тушултириш ишлари олиб бормоқда, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачси Мирсад Алимов. — Учувчилар отряди ва бортузатувчилар қайси мамлакатда қандай юқумли касаллик пайдо бўлганлиги ва ўта хавфли хасталиклар — вабо, парранда гриппи, энтеровирус-71 инфекциялари тўғрисида етарлича маълумотга эга. Бу уларни парвоз давомида бундай касалликлар белгиси пайдо бўлган фуқароларни аниқлашда кўч қилади.

Юртимизнинг ҳаво чегаралари бўлиши барча халқроқ аэропортларда тиббий ва санитария назорат пунктлари ишлаб турибди. Етарлича хона ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда зарур дори-дармон ва воситалар — зарарсиз-лантитувчи дезинфекция моддалари, муҳофаза кийимлари

билан таъминланган мазкур пунктларда малакали даволовчи, эпидемиолог шифокорлар, фельдшер ва дезинфекторлар меҳнат қилади.

Санитария шифокорлари мамлакатимизга келаётган йўловчилар соғлигини, келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва бошқа товарларнинг эпидемиологик хавфсизлигини синчилаб текширади. Зарур ҳолларда, чет элдан келиб қолганга тиббий ёрдам кўрсатади, юқумли касалликлар аниқланса, эҳдилик билан унинг тарқалишининг олдини олиш чораларини кўради.

Бугунги кунда ҳаво лайнерларимиз дунёнинг қўллаб мамлакатларига парвоз қилмоқда. Юртимизга хориждан келаётган йўловчиларнинг қўл юклари аэропортлардаги ветеринария, фитосанитария хизматлари ходимлари назоратидан ўтказилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан олиб борилаётган бундай қатъий чора-тадбирлардан қўзғалган асосий мақсад юртимизга ўта хавфли юқумли касалликларни кириб келишининг олдини олиш ҳамда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

— Ислохотларни амалга оширишда изчиликка эришишимиз учун гапларимиз бир жойдан чиқиб, интиллишимиз янада муштараклашмоғи керак. Доимий комиссияларимиз қонунларни рўйбга чиқариш ва кенгаш қарорларини амалга оширишга кўмаклашишда худди шу таомилдан келиб чиқиб ишлаётгани кўнгилли, — дейди Денов туман ҳокимлиги ташкилот-назорат гуруҳи раҳбари Давлат Бакиров.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Кенгашнинг Аграр ва сув ҳўжалиги ҳамда фермер хўжалиқлари фаолиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ижтимоий ҳаётда ўз сўзи, нуфузи, таъсири билан ажралиб туради, десак хато бўлмайдими. Бундай дейишга асослар етарли. Комиссия аъзолари ҳаётга жамоатчиликнинг, одамларнинг кўзи билан қарайдилар. Режаларга киритилган масалаларни ўрганишда юзакчилик ёки расмиётчиликдан ҳоли масъулият билан ёндашдилар. Шунинг учун ҳам комиссиянинг фикр-хулосалари ҳамма долзарб. Мунозаралари қизиқарли.

Президентимизнинг «Ерларнинг меълиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тудан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросига бағишланган йиғилишлар ҳам

шундай ўтди. Мажлисдан олдин, таъинли, комиссия аъзолари жойларда бўлиб, маззуга тегишли ҳолат билан яқиндан танишдилар. Хусусан, ерлари тобора шўрланиб кетаётган «Наврўз», «Бандухон» маззеларидаги ҳолатларга эътибор қаратилди.

Хулоса шу бўлдики, Фармонни бажариш йўлида бирмунча ишлар амалга ошаётгандай. Бирок зовурларни тозалашга жалб қилинган техника воситалари оз. Таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини амалга оширувчи лойиҳачи ҳамда пудратчи жамоаларни эркин танлов савдолари йўли билан танлаш бўйича доимий баҳолаш гуруҳи фаолияти қонқариқ эмаслиги масалани янада ташвишли ҳолати.

Олдинги йиғилишларнинг биринчи комиссия туман ер ресурслари ва дав-

лат кадастри бўлимининг ҳисоботини кўриб чиқиб, қарор қабул қилганди. Узининг қарори ижросини комиссия унутиб юрмади. Аксинча, гадаги маззу ўша олдинги қарорлар ижроси-га боғлаб таҳлил этилди.

— Туманимизда 1725 та фермер хўжалиги бўлса, ҳаммаси бизни ўзларининг маслаҳатчиси, химоячиси деб билади, — дейди доимий комиссия аъзоси С. Раҳмонов. — Бир пайтнинг ўзида биз улар учун талабчан ҳакамимиз ҳам. Ер — деҳқончиликнинг бош дафтери. Ер ҳаммиса бус-бутун, соғлом бўлмоғи керак.

— Депутат ҳаётдан, албатта, бий қадам олдинда юрмоғи лозим, — дейди 10-Гулистон сайлов округидан ту-

ман кенгаши депутати, саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, аҳолига маънавий хизмат кўрсатиш доимий комиссияси раиси Жума Мирзаев. — Ана ўшанда жамиятни демократлаштириш, ислохотларни ўтказишга кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш юмшлари жадаллашди.

Мирзаевнинг теварак-атрофга, юртин бугунги эртасига қарашлари теваран. Камчилик-муаммони курс, жим туролмайди. Одамларнинг ташвиш-дурдларини юрагига яқин олади. Янгиликни тез илғайди. Яхшилик илжинида бўлади. Шахарнинг Бибиноним кўчасидан бир тадбиркор элликта хонадонни электр энергияси билан таъминлайдиган шахсий трансформатор қурибди. Энергия ҳисоблагич асбобларини симёғочнинг банд қисмига ўрнатди. Шундай қилиб, айрим истеъмолчиларнинг фирромлигига чек қўйилди. Энергия тежалиб, таъминот ва тўлов интизомии шаклланибди. Интизом дегани — бу одамларнинг бир-бирини турмушунини. Ҳар бир кишининг умумманфатта хизмат қилиши дедмак.

— Режамизга биноан комиссиямиз

туманда коммунал тўловларнинг аҳолини ўрганишга киришяпти, — деб гап-гапни давом этиради Мирзаев. — Ўрганиш жараёнида қозғаларда рақам ва ҳисоботларни таҳлил этиш билан чегараланиб ўтирмаймиз. Таъминотчи-нинг тадбири қанақа, истеъмолчининг муносабати қанақа — диққат эътибор шунга қаратилляпти. Аъзоларимиз хонадонларда бўлишмоқда. Маҳалла фаолларини жалб этаймиз. Ахир гап гап учун, мажлис мажлис учун бўлиб қолмаслиги керак. Электрот ўртасида доимий комиссиянинг фалон самъ-ҳаракати туртки бўлиб, фалон муаммоларимиз эъл этилди, деган яхши фикрлар аҳолида шаклланиши керак.

Маъзул гап. Доимий комиссия, ма-салани, ўзининг бозорлар фаолиятини яхшилашга бағишланган мажлисида бозор раҳбарининг маърузасини эшитиб қўя қилиш билан қийолянсаю, номингагина қарор чиқариб, қозғ қораласа, бу — расмиётчилик. Яйрили ишларни эътибор қилибгина қолмай, уни ома-маллаштириш ҳам керак. Бирок ишдаги занг босган мураббатлар илғаб, ўрганиш, унинг юрилиб кетишига ҳамо бахш этиш янада муҳим. Маҳаллий ҳокимият тизими ҳаёт билан боғлайдиган халқа вазифасини ўтовчи бу жиҳатни туман кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар Давлат Бакировнинг фикрига кўра, ўз кундалик фаолиятларининг бош ме-зоени деб билиларлар.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚИЗИЛҚУМ МЎЪЖИЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўзбекистон заминда Навоий вилоятининг қайта тикланишини Истиқлол шарофати ва неъматидеб, деб билмоқ керак. Эркинлик йилларида бу ҳудудда энергетика ва тоқ-кон металлургияси жадал ривожланди. Сўнгги олти йилда янги ҳудудий маҳсулот ҳажми 1,5 бараварга, экспорт ҳажми 1991 йилга нисбатан 7 бараварга ортгани ва эндиликда воҳанинг саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар дунёнинг 54 мамлакатига етказиб берилаятгани кўчонарли ҳол.

1992 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «1992-1995 йилларда Зарафшон-Ўқдудқ минтақасини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва НКМК корхоналари ишини барқарорлаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатда воҳада олтин ишлаб чиқариш ҳажмларини сақлаб қилишга эмас, балки унинг сезиларли ўсишини назарда тутган узоқ муддатли Дастур асосида иш юрйтиш вазифалари белгиланди.

Еш мустақил давлат томонидан минерал ресурслар, олтин, рангли металллар ақратиб олиниши инвестициянинг устувор соҳалари этиб белгиланди. Яъни, кредитлаш учун республика маҳсулотининг шундай турлари танлашдики, булар билан теъда жаҳон бозорига чиқиш мумкин эди.

Республика Президентининг Фармониға биноан, кон-металлургия саноати ходимлари кунги таъсис этилди ва мамлакатда илк мартаба 2001 йилнинг май ойида байрам қилинди.

1995 йилда Ҳудудда олтин ақратиб олиш мажмуаси бунёд этилди. Июнь ойида Кўпқатас очик қонида қазиб олинадиган оксидланган маъдани қайта ишловчи 3-гидрометаллургия заводининг биринчи навбати ишга туширилди. 1996 йилда Жанубий кон бошқармасида йилгига 3000 тоннага теъ поливинилхлорид қуварлар чикарадиган завод ишга туширилди ва шу йўл билан Рос-

навий дасттоҳлар, электродлар, эҳкаваторларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда. Қорхонада ЯМЗ туркумидаги катта қўқарадиган автомобилларни ва карьерларда ишлайдиган автоўз-адаргичларнинг моторини кагитал таъмирлаш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қорхонада 1991-2006 йиллар давомида 200 дан эъид тоқарлик дасттоҳлари тайёрланди. 2001 йилдан бош-лаб маъдан окловчи эҳкаваторлар учун пўлат тишлар ишлаб чиқариш кенг йўсунда амалга оширилди. Шу йилнинг ўзида 23 минг дна бун-

ва қорхона шарафини улуғлашга ундамоқда.

Вилоят сайловчилари билан учрашу чоида Президентимиз қуйидагиларни эътироф этди: «Биргина Навоий кон-металлургия комбинатини оладиган бўлсақ, истиқлолнинг дастлабки йилларида бошимиздан кенчиган оғир иқтисодий қийинчиликларға қарамасдан бу улкан мажмуани нафақат сақлаб қолиш, балки унинг тарихида энг замонавий техника ва технологиялар билан қуролланган иқтисодиёт заводи барпо этилди. Бунинг натижасида асосий ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 бараварга ошди. Бу қорхона-

сулотлари, кислота, поливинилхлорид қуварлари ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш микдори ошириб боришмоқда.

Мустақиллик йилларида комбинат жамоаси эришган ютуқлар қувонарлидир. Тошқўра — Жерой — Сардорда фосфорит қони аниқланди ва бу ерда бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда.

— Жерой йил бошидан фосфорит уни ишлаб чиқариш бир меъёрида давом этишмоқда, — дейди Қизилқум фосфорит қорхонаси бошқарманин ўринбосари Вячеслав Шевченко, — режалар муваффақиятли бажарилляпти. Тайёрланаётган маҳсулотлар Олмалик, Самарқанд, Қўқон қимм қорхоналарига жўнатилмоқда. Утган йилнинг шу муддатига нисбатан фосфорит уни тайёрлаш 30 фоизга қўлайди. Иш жараёнидаги барча воситалар автоматлаштирилган.

Қизилқум хурят йилларида тарақуётга қў тулди. Қўмликлар устида шаҳарлар, қонлар, заводлар, қўшма қорхоналар, аэропортлар, коллежлар, шифохоналар, маданият саройлари, ўйинголар, темир йўллар қурилади, газ ва сув қуварлари тортиди. Чўл қўйидаги Навоий, Зарафшон, Ҳудудқ, Зафаробод шаҳарларида маъдан изловчиларнинг жуда катта авлоди учун қўқам уй-жойлар, оромгоҳлар қад ростлади. Бундай бунёдкорлик ишларида давлатимиз раҳбарининг оқилона сийсати, инсонпарварлиги ва юртпарварлиги етакчи омили бўлди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

академияси, Наманган ва Қаршидаги муҳандислик-иқтисодий институтлари каби Ўзбекистоннинг қилшоқ хўжалиги соҳасига иқтисодлашган бошқа ўқув yurtлари билан ҳам яқин алоқалар ўрнатди. Ўзбекистонлик ше-

GERMANIYA DA «EШЛАР ЙИЛИ» TAҚДИМОТИ

риқларимиз билан ҳамкорлик доирасида асосий эътибор экологик тоза маҳсулотлар етилиштириш бўйича тажриба алмашиш ҳамда иқтисодий энергия манбаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганишга қаратилган бўлади.

«ЛОГО» семиналарида Ўзбекистонлик иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар дастлабки йилларда уларнинг сони атиги 3-4 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирга келиб бу микдор 40 нафардан ошмоқда. 2008 йилнинг Ўзбекистонда Ешлар йили деб эълон қилиниши ҳамда ешларга бағишланган маҳсу-с Давлат дастурининг қабул қилингани мамлакатингиз раҳбарияти томонидан ўсиб келаётган ёш авлодга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Тадбир чоғида иштирокчиларга республикамиз ешларга хабти ҳақида ҳикоя қилувчи «Келажакка интилиб» ҳужжати фильми ҳамда ўзбек миллий қўи ва қўшиқларидан иборат бадийи дастур намойиш этилди.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири.
Берлин

Кирқкиш чизиги

Ноғирон реабилитация қилишининг яқка тартибдаги дастурини бутунлай рад этган ёки бу дастурнинг айрим қисмларини рўйбга чиқарилишини рад этган тақдирда, тегишли ташкилотлар мазкур дастурнинг ёки дастур айрим қисмларининг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

4-боб. Ноғиронларнинг таълими ва уларни касбга тайёрлаш

15-модда. Ноғиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш шакллари

Ноғиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш: ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда, экстернат, масофадан ўқитиш, давлат таълим стандартлари асосида оиладаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилади.

16-модда. Ноғирон болаларнинг мактабгача таълими

Ноғирон болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади. Агар ноғирон болаларнинг соғлиги мактабгача таълим муассасаларида бўлиши имкониятини истисно этса, ноғирон болаларнинг мактабгача таълими иқтисодлаштирилган таълим муассасаларида, шу жумладан интернат-уйларда амалга оширилади.

17-модда. Ноғиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўнар ва олий таълими

Ноғиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хўнар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса иқтисодлаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация қилиш муассасаларида даволанаётган ноғирон болалар учун ўқув машғулотлари ташкил этилади.

18-модда. Ноғиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

Ноғиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан иқтисодлаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ноғиронлар жамоат бирлашмаларининг қорхоналарида ижтимоий таъминот муас-

Кирқкиш чизиги

даланувчи ноғиронларнинг) ижтимоий инфратузилма объектиларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектиларига, маданий-томошоғо ҳамда бошқа муассасаларга) тўқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланиши учун шартитлар яратиши шарт.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиши амалга оширувчи ташкилотлар вокзаллари, аэропортлари ҳамда бошқа объектиларни уларнинг хизматларидан ноғиронлар тўқинликсиз фойдаланиши имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлаши таъминлайди.

Ноғиронлар ёки ўз таркибиде ноғирон бор оилалар эгаллар турар жойлар, шунингдек ноғиронлар учун қурилаётган уй-жойлар ноғиронни реабилитация қилишининг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши керак. Бундай турар жойларни жиҳозлаш уй-жой фонди ўз тасарруфиде бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бу тадбирларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур объектилар уларга ноғиронларнинг тўқинликсиз кириши учун мослаштиришининг имкони бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотлар ноғиронларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириши таъминловчи зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

11-модда. Ноғиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектиларига тўқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланиши таъминлашга доир вазифаларни бажармаганлик учун иқтисодий жавобгарлик

Ноғиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектиларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектиларига, маданий-томошоғо ҳамда бошқа муассасаларга) тўқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида (янги таҳрири)

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандин бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушуночалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушуночалар қўлланилади: **ноғирон** — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноғирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс;

ноғирон болалар — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган

Кирқкиш чизиги

тимой хизмат кўрсатишининг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шартитлари ноғиронларнинг ушбу Қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўйбга чиқариш имкониятини таъминлаши, уларнинг эҳтиёжлари қаноатлантирилишига кўмаклашиши керак.

30-модда. Ноғиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамни молиялаштириш манбалари

Ноғиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағмармаси, ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жағмармалари маблаглари, шунингдек ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ижтимоий ёрдам берилди.

31-модда. Ноғиронларга ва ўз таркибиде ноғирон бор оилаларга имтиёзлар

Ноғиронларга ва ўз таркибиде ноғирон бор оилаларга уй-жой бериш, уларнинг уй-жой олиши, қуриши ва ундан фойдаланиши бўйича имтиёзлар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Уй-жойга эга бўлмаган ноғироннинг соғлигини реабилитация қилиш чора-тадбирлари натижасида интернат-уйда ёки ноғиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишининг бошқа стационар муассасасида бундан кейин бўлишига зарурат қолмаган тақдирда, унга яшаш учун қўлай уй-жой майдони берилди.

Болалиқдан ноғиронларга ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ноғиронларига турар жой уларнинг иш жойларига, даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йўналишларига яқин бўлиши зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда берилди.

Интернат-уйларда ёки ноғиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишининг бошқа стационар муассасаларида турадиган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ноғирон болалар воёга етганидан кейин ноғиронни реабилитация қилишининг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрсатиши ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдони билан навбатдан ташқари таъминланади.

юмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигналаторлар билан таъминлаш;
тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший хизматлар кўрсатиш;
транспорт хизматлари кўрсатиш;
дори воситалари билан таъминлаш.

27-модда. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи давлат органлари

Ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

28-модда. Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш

Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, ҳимойлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож ногиронларга туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлиmlари томонидан ўйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиббий ва маиший хизматлар кўрсатилади.

Агар ҳодим иш берувчининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлса, унда иш берувчи ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда уни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосасига биноан парвариш қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жариланган ҳодимга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаши шарт.

29-модда. Ногиронларнинг интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шартлари

Ногиронларнинг интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шартлари

14

тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш — ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

ногиронларни реабилитация қилиш — ногиронларга организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашга ва уларни компенсация қилишга, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими;

тиббий-ижтимоий экспертиза — муайян шахс организмнинг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соғлигини йўқотганлик даражасини, организми функцияларини турғун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлигининг ҳолатига қўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шартлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволашнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтижлари ҳақида тавсиялар тайёрлаш;

шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.

4-модда. Шахсни ногирон деб топиш

Шахсни, шу жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш эса, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларини тузиш, шунингдек улар томонидан хулосалар бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3

халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкин.

2-боб. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланиши учун шартлари яратиш

9-модда. Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтижларини ҳисобга олиш

Ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар жой ҳадаларини барпо этишга, янги қурилиш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилишга, шунингдек транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди.

Янги бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқиш тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилиши лозим.

10-модда. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўқинликсиз фойдаланишини таъминлаш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан бўён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронларнинг (шу жумладан ўриндиқли аравача ҳамда етакловчи итлардан фой-

6

Буқлаш чизиғи

Киркиш чизиғи

Буқлаш чизиғи


Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

ЖАҲОН

24 соат ичида

ОПЕК огоҳлантиради



Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) бош котиби Абдулла Салим ал-Бадрий дунёда нефть нархининг ошиши мумкинлиги ҳақида жамоатчиликни огоҳлантирди.

«The International Herald Tribune» нашрининг ёзишича, ал-Бадрий Эрдабдаги сийбсий вазият, яъни, ядровий дастур масаласини тинч-

Бош котиб таъкидладики...

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош котиби Пан Ги Мун Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто ўлими юзасидан суриштирув ишлари олиб борувчи мустақил комиссия тузишга ваъда берди.



«Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, бош котиб бу ҳақда Покистон Ташқи ишлар вазири Шоҳ Махмуд Курайши билан ўрашувчи чоғида таъкидлаган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 30 май куни Покистон ҳукумати Бхуттога уюштирилган суиқасд юзасидан суриштирув ишларида ёрдам сўраб БМТга мурожаат қилган эди.

Буқалар ҳужуми

Шу кунларда Испаниянинг Памплона шаҳри кўчаларида анъанавий буқалар фестивали ўтказилмоқда.



Фуқаронинг аҳоли оғирлигини маълум қилишди.

Фестивалнинг тўртинчи куни кўнгилисиз воқеа содир бўлди. Кўча бўйлаб чопайётган буқалар кутилмаганда томошабинларга ташланиб қолди. «Си-эн-эн» телеканали хабарига кўра, бунинг оқибатида 27 нафар киши жиддий жароҳат олган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари икки

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



— Маълумки, — дея сўз бошлади ташкилот раҳбари Муҳаммадхон Йўлдошев, — илгари аудиторлик хизмати нима эканидан, бу ташкилот қандай вазиматлар кўрсатишидан бугунлай бехабар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина мазкур соҳа ҳусусидаги тасаввуримиз кенгайди. Мамлакатимизда аудиторлик фаолиятини юритиш учун зарур қонуний-ҳуқуқий база шакллантирилди ва бу тармоқнинг фаол ривожланиши ҳамда тараққий этиши учун қулай шартлар яратилди. Буни аудиторлик ташкилотларига тақдим этилаётган иқтисодий рағбат ва солиқ имтиёзлари ҳам кўриш мумкин.

Уз фаолиятини 1998 йилда тўрт нафар аудитор билан бошлаган «Marhamat-audit» аудиторлик ташкилоти ана шу имтиёз ва рағбатлар, иқтисодий чора-тадбирлар асосида ривожланди. Шунингдек, «Аудит-СТТ», «ЯБА-аудит», «Сабр-аудит» ва «Golds-аудит» сингари қатор аудиторлик ташкилотларининг «Marhamat-audit» таркибига қўшилиши эвазига ҳозирги кунда ҳодимлар сони қарийб ўттиз нафарга етди.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Marhamat-audit» аудиторлик ташкилоти бугун мамлакат миқёсида мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият олиб бораётган 100 дан зиёд корхона ҳамда ташкилотлар билан аудит хизмати кўрсатиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Андижон «Пахтаसानот» ҳудудий бирлашмаси, «Ўзэлектртармок» унитар корхонаси ва унинг тизимидаги корхоналар, «ЎзКорамКо» ва «ЎзТонг-хонг Ко» қўшма корхоналари,

Андихондаги «Marhamat-audit» аудиторлик ташкилоти фаолиятига чуқурроқ назар ташланса, мазкур жамоа текширувчи ҳам, назоратчи ҳам эмас, аксинча буюртмачилар ишига ҳолисона баҳо берувчи, масалага ойдинлик киритувчи, ўз хулосасини айтувчи, қисқаси, иқтисодиётнинг турли кўринишларида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг олдини олувчи, тўғри йўлга солиб қўювчи муассаса экани аён бўлади.

ИШОНЧ ВА СИФАТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР ГАРОВИ

«Андихон ёғ-мой», «Асакаёв» очиқ акциядорлик жамиятлари, вилоят «Мат-луботсавдо» акциядорлик компаниясига қарашли бир неча ўнлаб тузилмалар, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги қатор корхона ҳамда муассасалар ана шулар жумласидандир. Ташкилот хизмат кўрсатаётган ҳудуд тобора кенгайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам айни пайтда Андижон вилояти туманларида ҳудудий, Фарғона вилоятида минтақавий филиаллар олдиди. Ҳозир Асака туманида битта ҳудудий филиал 6 нафар аудитор билан иш бошлади.

Хизмат

Сифатли аудиторлик хизмати кўрсатиш учун ҳодимлар муайян тажриба ва малакага эга бўлиши зарур. Ана шу жиҳатдан олганда, «Marhamat-audit»нинг омади келган. Негаки, бу ерда ишлаётган 27 нафар ҳодимнинг барчаси олий иқтисодий маълумотли, 10 нафари аудиторлик малака сертификати соҳибидир. Тўрт нафари эса САР (халқаро амалиётчи бухгалтер) даражасига эга. Бундан ташқари, ҳодимлар махсус ўқув курсларида ўз билимларини мунтазам ошириб борадилар. Жумладан, икки нафар ҳодим «Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш механизми» ҳамда «Электр тармоклари корхоналарида бухгалтерия хисоби ва аудитни тақомиллаштириш» мавзуларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда илмий иш олиб бормоқдалар.

Жорий йил Президентимиз томонидан Ешлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ташкилотда ишла-

Одилжон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали

нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2006 йил 12 январдаги 2-316-06-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, Ю. Отабеков кўчаси, Қўшариқ даҳаси, 7-ўйининг ёнида жойлашган 2 қаватли қурилиш тугалланмаган бино, умумий қурилиш майдони — 306,56 кв.м.; умумий фойдаланиш майдони — 680,41 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 41 870 568 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 12 август куни соат 11.00 да Андижон шаҳри, Навоий шоҳқўчаси, 30-уйда ўтказилади.
Шунингдек, 2008 йил 29 июль куни соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2006 йил 12 январдаги 2-316-06-сонли ижро варақасига асосан, Андижон шаҳар СИБ томонидан хатланган, Андижон шаҳри, А. Фитрат кўчаси, 157-«А» уйда жойлашган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, умумий майдони 1147,46 кв.м., қурилиш майдони 801,52 кв.м.дан иборат бинолар ҳамда 30 номдаги мулк жиҳозлари билан қўйилади.

Бошлангич баҳоси — 50 101 467 сўм.
Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Андижон шаҳар СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтайтилади.
Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини қўрсатган ҳолда, РКМБ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, ИНН 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Лицензия DB 001 № 000004.
Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86.

SONATA Ҳўз йўлингни танла! Drive your way. КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

INDIA MINITEX-2008 KO'RGAZMASI Tashkilotchilar. 12-16-iyul O'zbekMarkaz. Manzil: Toshkent sh., A. Temur, 107. Ish vaqti: 12-iyul 12.00-17.30, 13-15 iyul 10.00-17.30, 16-iyul 10.00-15.00. UZBEKISTON RESPUBLIKASI HONORIFLITRAN QONAGUSH BANGLOT QONITASI. UZBEKISTON SAVDO-SANAYAT PALATASI. NSIC. HINDISTON ELCHIKONASI.

5-боб. Ногиронлар меҳнати

23-модда. Ногиронларнинг меҳнат шартонлари
Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилишнинг яққа тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шартонлари яратилади.

Жамоа ёки яққа тартибдаги меҳнат шартномасида белги-ланганда меҳнат шартонлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда қўшимча таътиллarning мuddати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлимаслиги ва бошқа ҳодимларга нисбатан ногиронларнинг аҳолини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекамаслиги керак.

24-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини ногиронлар томонидан рўйбга чиқариш
Ногирон меҳнат шартонлари оdatдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда иш-лашга, шунингдек қонун билан таққиланмаган яққа тартиб-даги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оши-ришга ҳақлидир.

Ногиронлиги тўғрисида ногирон билан меҳнат шартномаси тузилиши ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришини рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш бе-рувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногироннинг унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайдиган, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг согли-ги касб ва ҳуқуқларини бақаришга монеали қилган ёки но-гироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соглиги ва меҳнат ҳавф-сизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилиятини тиклаганидан кейин илгариги ишга ёки шунга тенг ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга.

25-модда. Ногиронларни иш билан таъминлаш
Ҳодимларнинг сони йилгириман кичишдан ортиқ бўлган кор-хоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ҳодимлар сонининг камида ўн фоизи миқдорда иш жойлари-нинг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақтайди.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини ижро этмаганлиги учун корхона-га, муассаса ва ташкилотга ҳар бир яратилмаган иш жойи

ногиронларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъмин-лашга доир давлат дастурларини, шунингдек ҳудудий дастур-ларни шакллантиришга ва амалга оширишга;
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;
давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаси-даги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-ларини таъминловчи давлат органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиши ҳамда мута-хассислар тайёрлиши молиялаштиришга ва ташкил этади;
ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамга муҳтож бўлган ноги-ронларга ижтимоий хизмат кўрсатуви стационар муассасалар тармоғини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар кўради;
ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини захирада сақтайди;

реабилитация, илмий-ишлаб чиқариш марказлари, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги амбулатория ва стационар даво-лаш-профилактика муассасаларида, ногиронларга ижтимоий ҳиз-мат кўрсатиш стационар муассасаларида тиклаш терапияси бўлиминлари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, их-тисослаштирилган санаторий-курорт муассасалари тизимини, шунингдек ногиронларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсати-ш бўйича корхоналар ва ташкилотлар ташкил этади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун ҳужжат-ларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишля-ри мумкин.

8-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронларнинг ҳуқуқларини таъмин-лаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишга қўмақлашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодав-лат нотижорат ташкилотлари:

ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколат-ларни амалга оширишда давлатдан ва белгиланган тартибда

5-модда. Ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари
Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминла-нишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият би-лан уйғунлашиши учун шартонлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларида ҳимоя қилиши таъминлаши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди.

6-модда. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаат-ларини таъминлаш;
ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;
ногиронларнинг ишга ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;
ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенг-лигини таъминлаш;
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳуж-жатларига риоя этилишини таъминлаш;
ногирон болаларининг мактабга ва мактабдан ташқари таъминини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим олишини таъминлаш;
давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг но-гиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борадидаги фаолиятининг ошқоралигини ҳамда оқи-дирлигини таъминлаш;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат орган-лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва но-давлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ри-вожлантириш.

7-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви орган-ларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиё-сатини шакллантиришга ва амалга оширишга;
ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича устувор йўна-лишларни белгилайди;

учун ана шу корхона, муассаса ва ташкилот ҳодимининг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорига ҳарим солинади.

Жарима солиш суд томонидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳуқуқбузарлик содир этишдаги айбига иқроор бўлган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда амалга оширилади.

Туланган жарима суммалари Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармасига йўналтирилади ҳамда улардан ногиронлар учун иш жойлари яратишда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи корхоналар-ни, муассасалар ва ташкилотларни қўллашда, ногирон-ларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда фойдаланилади.

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратиш бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорини ижро этмаганлик учун жарима тўлаган-лик корхоналарни, муассасалар ва ташкилотларни ушбу Қонун-нинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини бақаришдан озод этмайди.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар таш-кил этилади. Қўзи оғиз ногиронлар шартонлари ўз имконият-ларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзга ҳуқуққа эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муасса-салар ва ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга маз-кур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

6-боб. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш

26-модда. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш турлари

Ногиронларга қуйидаги турлардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади:

пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);

техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли арава-чақар, протез-ортопедия бу-

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

Киркиш чизиги

«ШУ ГЎЗАЛ ЮРТ ОШИФИМАН...»

Офтоб чарақлайди.
Унга боқиб деҳқоннинг кўзлари қувонади, даладаги ҳосил чўгини чамалайди. Ҳовлиларда гарқ пилган меванинг новот таъминдан лаблари чиппа ёпишган болакай, қўлидаги узум доносидек кўзлари чарос қизалоқ, дардига даво истаб баданни иссиққа тоблаётган бемор, урчугини созлаб сийдорда ил қуритаётган момо ҳам мана шу ёз кўшидан оламча баҳра олади.



Истеъдод

Таниқли мусаввир Жўра Асран асарларида табиятнинг жамик рағнари офтобий шў-лалар билан уйғунлашган. Улардаги туйғулар ҳарорати дарров юракларга инди, сунгра нигоҳларга ўт сочди. Сурат-лар ёнидан ўтаётиб «Настиран» натортортига боқсангиз, кўнглингизга баҳор ташриф буряётгандек туюлади. «Шо-ҳимардон» манзаралари ўтмиш билан келажакни беговчи риш-та бўлиб тасаву-рингизга муҳланади. «Куз», «Олтин апроқлар» асарла-рига бир кун назар ташлаганингиз из ҳамон қўлоқларингиз остида тилла-ранг апроқлар ши-тирлайди, аини вақтда болглардан таралаётган анвоий ис димоғингизни қитқилаб ўтади. «Оқ кўйлақ», «Қиш билан хайрлашув» сурат-лари сизни қорга бурканган қишлоқ томон элтади. Қори эриб битаётган адирларнинг сўнги изгиринла-ри бехиётёр этингизни жунжик-тира бошлайди...

«Мен Ватан манзараларини, фидойи ва меҳнатқаш кишилар-нинг қиёфаларини энг ёрқин бўёқларда акс эттирмаган, зеро, бу юртинг чиройига бу-тун дунё ҳайрат билан боқсин», дея ният қилган мусаввир анча йиллар илгари. Сўнг илк бор қўлига мўйқалам тутганда, институти тугатиб расом си-фатида танилганда, асарлари нуфузли давраларда тилга оли-ниб, кейинчалик кўпга чет мамлакатлардаги йирик кўргаз-маларда намойиш этилганда ҳам шу ниёти доимо ўзига йўлдош бўлди. Истиқлол йил-ларида мусаввир кўпга янги давр одамларининг портретла-ри («Сурхон аёли», Муножот Йўлчиева», «Сабоҳат Азимхо-нова», «Тошкентлик она», «Хидоят ая» сингиларни) чи-зди. «Она» портретидagi нуру-ний сиймо гўё олис болалик йилларинизга етказилди. Бу аёл ҳозирқо суратдан чиқиб ке-либ майин кўллари билан со-ларимизни сийламоққа чоғлана-ди. Ич-ичимизда эса унинг меҳрга тўла товуши жараан-лайди, у бизга «Бир-бирингизга мухаббатли бўлинглар» дегв-гандек туюлади.

Жўра Асран ҳозирги ёшлар-нинг ораму-уйлари, кечин-маларини ҳам ёрқин бўёқларда матога туширган. Анҳор чети-

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати олий лигасида биринчи давра учрашувлари нихосига етди.

«Қурувчи» — биринчи давра пешқадами

Биринчи давранинг сўнги 15-тур учрашувлари ҳам қутилган-дек, муросаси курашларга бой бўлди. Турнинг марказий учрашуви «Пахтакор» — «Қурувчи» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Иккала жамоа футболчилари ҳам чиройли ва шиддатли ўйин намойиш этишган бўлса-да, учрашууда — 1:1 дуранг натижа қайд этилди. Бу ўз навбатида «Қурувчи»нинг биринчи даврани 41 очко билан пешқадим сифатида яқунлашга хизмат қилди. Карвонбошидан икки очко кам тўлаган «Пахтакор» иккинчи ўриндан жой олди. Учинчи ўринга эгалаб турган «Нефчи» ҳисобида 28 очко бор. «Машъал» 25 очко билан 4-ўринда, «Насаф» 24 очко билан бешинчи ўринда бермоқда.

15-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Нефчи» — «Сўғдиёна» 1:0, «Ўз-Дон-Жу» — «Насаф» 1:4, «Динамо» — «Бухоро» 4:1, «Машъал» — «АтКМ» 1:0, «Металлург» — «Навбахор» 2:2, «Локомотив» — «Олимпик» 2:1, «Шўртан» — «Қизилқум» 2:1.

Биринчи давранинг кейинги вазияти:

	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
«Қурувчи»	15	13	2	0	44-5	41
«Пахтакор»	15	12	3	0	30-4	39
«Нефчи»	15	8	4	3	16-10	28
«Машъал»	15	7	4	4	13-10	25
«Насаф»	15	7	3	5	16-12	24
«Динамо»	15	6	3	6	20-18	21
«Андижон»	15	6	3	6	14-13	21
«Локомотив»	15	5	3	7	3-15	18
«Сўғдиёна»	15	5	3	7	15-21	17
«Қизилқум»	15	5	2	8	14-23	17
«ОТКМ»	15	4	4	7	10-15	16
«Бухоро»	15	4	3	8	14-22	15
«Металлург»	15	4	3	8	11-19	15
«Шўртан»	15	4	3	8	7-28	15
«Навбахор»	15	3	5	7	14-19	14
«Ўз-Дон-Жу»	15	1	4	10	7-24	7

Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибда ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига қуйдаги мулк-қўйилмоқда:

I. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги № 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабағри» савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли бўлган, Урганч тумани, Шовот канали бўйида жойлашган, умумий ер майдони 23205,97 кв.метрни, шундан қурилиш ер ости майдони 1256,2 кв.метрни ташкил қилган, 17 номдан иборат бино ва ишоотлар жаммауси.

Бошланғич баҳоси — 202 631 574 сўм.

II. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Хоразм автойўл» магистраль йўлларида фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Шовот канали бўйида жойлашган, қурилиш ер ости майдони

570,92 кв.метрдан иборат «Истиқлол» кафетерийси.

Бошланғич баҳоси — 89 990 691 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 29 июль куни соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобононов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланғичидан бир кун олдин тўхташилади.

Савдода қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг Хоразм вилояти филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаш-лари шарт: 20210000700571452056, АТИБ «Ипотекбанк» «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ИНН 200933850.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч ш., Й.Бобононов к., 23-уй.
Телефонлар: (8-362) 226-3263, 226-4364.
Лицензия ДВ 001 № 000004.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

И. Давлат реестрининг чиқарилиши:

1. 2008 йил 14 июнда 4 шўлача бўлган маълумот

2. Илимий-техник ишланмаларга ахиратилган Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ маълумларини қайтариш тартиби тўғрисида низо. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 408, 1998 йил 24 февраль).

3. 2008 йил 18 июндаги 138-м-сон буйруғи билан реестр-дан чиқарилиди.

4. Сўрашловнинг ижро этиш органи рақамига ва бош бўлганлиги қўйилган малака талаблари тўғрисида низо. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1338, 2004 йил 16 апрель).

5. Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисида низо. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 859, 1998 йил 23 декабрь).

6. «Ўзбек илгари» уюшмаси корхоналарига банклар томонидан ахиратилган кредитларини қайтариш тўғрисида муваққат тартиб. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 702, 1999 йил 14 апрель).

7. Табиий, техникавий ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича қўйма-лари депонентлаш тартиби тўғрисида йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 355, 1997 йил 15 июль).

8. 1997 йил 1 ноябрда олиб қирилган товарларга импорт божона божни ставкларини қўллаш юзасидан тушунтириш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 374, 1997 йил 24 ноябрь).

9. 1997 йил 1 ноябрда олиб қирилган товарларга импорт божона божни ставкларини қўллаш юзасидан тушунтириш. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 502, 1998 йил 16 октябрь), (рўйхат рақами 502-1, 2003 йил 22 январь).

10. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарини улар томонидан ташкил этила-вган ишлаб чиқариш учун тўловчи устуворлар юзасидан импорт божона божларини тўлашдан озод этиш тартиби. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божона қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 694, 1999 йил 8 апрель).

11. Тижорат банкларига касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қим-матлиқларни ташшига доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида қарор, 1 ва 2-сонли ўзгаришлар ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-ки Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган (рўйхат рақами 1263, 2003 йил 1 август), (рўйхат рақами 1263-1, 2005 йил 29 март), (рўйхат рақами 1263-2, 2005 йил 28 сентябрь).

12. 2008 йил 27 июндаги 151-м-сон буйруғи билан реестр-дан чиқарилиди.

13. Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгаришларни киритишли ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилиди.

14. Давлат рўйхатини ўтказишнинг шартли асоси:

1. Ҳуш ва қўл маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазир-лиги Давлат ветеринария Бош бошқармаси болими томонидан тасдиқланган.

2. Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилади. Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда ўтказиладиган идоралар томони-дан тасдиқланган, қўлга киритиши мумкин.

Адлия вазирлиги давлат рўйхатини ўтказишнинг лозим бўлмаган ҳуж-жатларда амалдаги қонун ҳужжатларига эид қонлар бўлмаслиги лозим.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 26421 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида термидил ҳамда операторлар Жамбат Тоғоев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 3